ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОИЙ ҲАЁТИНИНГ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШУВИ ЖАРАЁНИ: МОҲИЯТИ ВА АМАЛ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

К. Юнусов

Мақолада Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг модернизациялашуви жараёни, моҳияти ва амал қилиш хусусиятлари тадқиқ этилган. Замонавий сиёсатшунослик нуқтаи назаридан "модернизация" тушунчаси ўрганилиб, ушбу жараённинг жаҳон тараққиёти тарихидаги босқичлари ва ўзига хос хусусиятлари берилган.

Калит сўзлар: *модернизация, постмодернизация, иқтисодий модернизациалашув, сиёсий модернизациялашув, ижтимоий модернизациялашув, маданий модернизациялашув, инновация.*

В статье исследуются прцесс модернизации общественной жизни Узбекистана, его сущность и особенности проявления. Рассматриваются само понятие "модернизация" с точки зрения современной политологии, показаны сфецифические особенности и основные этапы этого процесса в истории мирового развития.

Ключевые слова: *модернизация, постмодернизация, экономическая модернизация, политическая модернизация,социальная модернизация, культурная модернизация,инновация.*

The article discusses the modernization process of social life in Uzbekistan, its essence and ways of implementing them into social life, The notion of 'modernization' and the stages of its development in the world history is studied from the point of modern political science.

Key words: *modernization, postmodernization, economic modernization, political modernization, social modernization, cultural modernization, innovation.*

Ҳар қандай ижтимоий тузум, тарихий давр ўзига хос мақсадлар, талаб ва эҳтиёжлар асосида кишиларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан юксалишига таъсир кўрсатади, улар фаолиятига муайян йўналиш беради. Ўзбекистонда барпо қилинаётган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти ижтимоий келиб чиқиши, ирқи, миллати, жинси, диний эътиқодидан қатъи назар, шу юртда истиқомат қилаётган барча фуқароларнинг эркин ва фаровон яшашлари учун кенг имкониятлар яратиб бермоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади эркин бозор муносабатларига асосланган очиқ, ҳуқуқий демократик давлат қуриш, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, одамлар турмуш даражасини тараққий этган давлатлар даражасига кўтариш, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашидан иборатдир.

Ҳозирги даврда демократик тараққиёт йўлини танлаган Ўзбекистон каби кўплаб ривожланаётган мамлакатлар тараққий топган давлатлар даражасига етиш учун интилмоқда. Бунинг учун эса иқтисодиётни сўнгги технологиялар ёрдамида модернизация қилиш талаб этилади. Шунингдек, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, таълим ва бошқа кўплаб соҳаларни ҳам демократик тамойиллар асосида ташкил қилиш зарурияти мавжуд. Акс ҳолда, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Чунки эски арава конструкцияси билан замонавий реактив ракета ясаб бўлмаганидек, эскича ижтимоий-сиёсий қарашлар, муносабатлар билан ҳам ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириб бўлмайди. Ҳозирда бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатга айланди.

Мамлакатни модернизация қилиш нимадан иборат? Модернизация тушунчаси нимани англатади? Аввало, ана шу тушунчаларга ойдинлик киритсак.

Модернизация французча (modern) сўз бўлиб, "замонавийлашув", "янгиланиш" маъноларини англатади. Ҳозирда, модернизация тушунчаси илмий адабиётларда уч хил маънода талқин қилинмоқда:

1) янги давр Европа давлатларига ўхшаш Ғарбий Европа ва Шимолий Америка мамлакатларининг ички ижтимоий-иқтисодий ривожланиши;

2) дунёнинг илғор, юксак тараққий топган давлатлари даражасига етишга интилаётган Жанубий Шарқий мамлакатлари модернизацияси;

3) тараққий этган (Ғарбий Европа ва Шимолий Америка), модернизациялашган жамиятларнинг эволюцион ривожланиш жараёни.

К.Юнусов *– АДУ ЎДЖҚНА кафедраси профессори, сиёсат фанлари доктори.*

Юқорида баён қилинган илмий талқинга қўшимча қилиб шуни таъкидлаш лозимки, XX аср тўқсонинчи йилларидан бошлаб, собиқ шўро давлати ҳудудида ташкил топган мустақил давлатлар, хусусан, Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй берган муҳим ўзгаришлар, ўз навбатида модернизациялашув жараёнининг ўзига хос типи шаклланаётганини кўрсатмоқда.

Модернизациялашув жараёни асосан уч даврга бўлиб ўрганилади:

I давр – XVIII аср охири - XX аср бошлари; II давр – XX асрнинг 20-60- йиллари; III давр – XX асрнинг 70-90-йилларини ўз ичига олади.

XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб собиқ шўро давлати ҳудудида ташкил топган мустақил давлатлар ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган муҳим ўзгаришлар, ўз навбатида, модернизациялашув жараёнининг **тўртинчи даври бошланганлигидан далолат беради**. Дунёнинг олтидан бир қисмини ташкил қилган ушбу ҳудудда рўй бераётган туб ўзгаришлар фикримизга асос бўла олади. Модернизациялашган жамият деганда, юқори технологик ишлаб чиқаришга, жамият аъзолари фуқаролик, сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқларга эга бўлган жамият тушунилади [4].

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан модернизациялашув глобал характер касб эта бошлади. Ҳозирга келиб, глобаллашув жараёни кўплаб ривожланаётган давлатлар учун модернизациялашувнинг ягона ва универсал асосига айланди, десак, муболаға бўлмайди.

Модернизациялашган жамият – жамият ҳаётининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий (айниқса, таълим соҳаси билан) жиҳатдан ўзаро узвий алоқадорлиги ҳамда уйғунлигини назарда тутади.

Иқтисодий модернизациалашув – иқтисодий ишлаб чиқариш жараёнининг интенсив равишда такомиллашувини билдиради. У меҳнатнинг дифференциаллашуви, ишлаб чиқаришнинг энергетик жиҳатдан такомиллашуви, фаннинг ишлаб чиқаришга айланиши ва ишлаб чиқаришни рационал бошқаришнинг юксак даражада ривожланганлиги билан характерланади.

Сиёсий модернизациялашув – ўзига хос ижтимоий-сиёсий институтларнинг фуқаролик жамияти институтлари сифатида ташкил топиши билан фарқланади. Фуқаролар улар орқали ҳокимият таркибида ва мамлакатда қабул қилинаётган қонун ҳужжатларини тайёрлашда фаол иштирок этадилар.

Ижтимоий модернизациялашув – очиқ жамият шаклланишини ўз ичига олади. Бунда жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида фуқаролик жамияти институтларининг роли тобора ортиб боради. Ҳар бир фуқаро уларнинг фаол иштирокчисига айланади.

Маданий модернизациялашув – алоҳида олинган жамият, давлат ижтимоий тараққиётининг юксак даражадаги босқичга ўтиши, жамият ва шахснинг ҳар томонлама (маънавий, ахлоқий, маърифий, сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа) камол топишини англатади.

Модернизация ўзининг миллий ва маданий хусусиятларига эга бўлиши ҳам мумкин. Фикримиз далили сифатида ҳозирда дунёнинг кўплаб мамлакатларида амалга оширилаётган туб ўзгаришларни кўрсатиб ўтиш мумкин. XX аср охирларида илмий адабиётларда **“постмодернизация”** тушунчаси ҳам қўлланила бошланди.

Мамлакатимизни модернизация қилиш билан боғлиқ муҳим масалалар ва ғоялар Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилмоқда. Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси раҳбари лавозимига келган дастлабки даврданоқ мамлакатимизнинг бир ёқлама ижтимоий-иқтисодий қолоқликдан халос бўлишининг назариётчиси ва амалий ўзгаришлар раҳнамоси сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Миллий мустақиллигимизнинг ўтган шонли йигирма икки йили давомида Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ўз мазмун-моҳиятига кўра мамлакатни модернизация қилиш борасида амалга оширилган ишлар кўламини ташкил қилади.

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди. Истиқлол йилларида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари, банк-молия тизими фаолиятининг ҳуқуқий базаси яратилди. Чунки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш асосини ташкил қилади, товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш йўли билан иқтисодий ўсишни таъминлашга, аҳоли бандлиги ва даромадлари даражасини оширишга имкон яратади. Шу сабабли ҳукумат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг солиқ юкини камайтириш, уларнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини ошириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди.

2008 йилда республикамиз тижорат банклари томонидан хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳажми 1250,7 млрд. сўмни ташкил қилди. Бу эса 2007 йилга нисбатан 68,2 фоизга кўп демакдир. Ўзбекистон Респуб-

ликаси Президентининг 2008 йил 10 ноябрдаги 4051-сонли Фармонига мувофиқ, микрокредитларнинг фоиз ставкалари 2 бараварга қисқартирилиб, уларни қайтариш муддатлари узайтирилди. Бизнесни ривожлантириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун кичик тадбиркорлик субъектларига Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ошмаган ставкада энг кам иш ҳақининг 500 бараваригача миқдорда 24 ой муддатга кредитлар берилиши белгилаб қўйилди.

Амалга оширилган тадбирларнинг самараси ўлароқ, кичик бизнеснинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги роли муттасил ошиб борди. Хусусан, 2008 йилда кичик бизнеснинг ЯИМ таркибидаги салмоғи 48,2 фоизни ташкил қилди.

Маълумки, 2014 йил мамлакатимиз мустақиллигининг шонли 23 йиллиги нишонлангани билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш йили сифатида ҳам тарихимиз зарварақларига ёзилди. Мамлакатни модернизация қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг 2000 йилда ялпи ички маҳсулотдаги улуши 31 фоизни ташкил қилган бўлса, ҳозирга келиб бу кўрсаткич 55,8 фоизга етганини кўрсатиб ўтиш лозим [2.186].

Мамлакатимизнинг барча минтақаларида бизнесни ривожлантириш учун янада қулай ишчан муҳит яратиш, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кенг эркинлик бериш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашувни иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича давлат сиёсатига қарши қаратилган ҳаракат сифатида қараш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошидаги Парламент Комиссияси ва Жамоатчилик фонди томонидан эълон қилинаётган кичик грант лойиҳалари танловларида ҳар бир грант лойиҳаси 15 миллион сўм миқдорида молиялаштириб келинмоқда. Фикримизга мисол сифатида кўрсатиб ўтиш лозимки, 2008-2013 йиллар давомида Парламент комиссияси ва Жамоат фонди томонидан фуқаролик жамияти институтлари тақдим этган турли ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун 46 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Мамлакатда ишбилармонлик муҳитининг шакллантирилиши фуқаролик жамияти тамойиллари амал қилишининг асосий шартларидан биридир. Жамият аъзоларининг ишбилармонлиги, ўз навбатида, улар фаровонлигини таъминлашнинг муҳим манбаи бўлиб хизмат қилади. Бинобарин, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий, руҳий-маънавий негизи ҳисобланган ишбилармонлик муҳитини яратиш учта секторнинг ўзаро ижтимоий-иқтисодий шериклик асосида фаолият кўрсатиши учун замин ҳозирлайди. Бундан ташқари, фуқаролик жамияти яшаш тарзининг кишилар онгига, кундалик ҳаётига чуқурроқ сингиб боришида, турли ижтимоий дастурларни амалга оширишда давлат ташкилотлари билан бирга фуқаролик жамияти институтлари сифатида фаолият кўрсатувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларининг ижтимоий ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, улар томонидан жаҳон талабларига мос, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришда инновацион лойиҳаларни замонавий ишлаб чиқариш тармоқлари фаолиятига кенг татбиқ этиш мамлакатни модернизация қилишда алоҳида ўрин тутади. Шу ўринда айтиш жоизки, юртимизда илғор илм-фан ютуқларига асосланган ишлаб чиқариш, технологияларни ташкил қилиш ва уларда ишлай оладиган ҳамда жаҳон талабларига мос маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қодир кадрларни тайёрлаш муаммоси долзарблигича қолмоқда. Мазкур муаммони бартараф қилиб боришда давлат ташкилотлари билан нодавлат ташкилотлари, яъни ҳар учала сектор ўртасида ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва кучайтириб бориш зарур.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес соҳасида иш билан банд аҳоли умумий сонининг 49,7 фоиздан 75 фоизгача ошганлиги мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг иқтисодий тамойиллари билан боғлиқ жиҳатларни ўзида намоён этади. Аҳоли даромадларининг 47 фоизидан зиёди тадбиркорлик фаолиятидан тушган даромадлар ҳиссасига тўғри келаётганлиги ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида хўжалик юритувчи субъектлар тўлайдиган фойда солиғи ставкаси 3,5 баробарга, аҳолининг иш ҳақи даромадларидан олинадиган солиқ ставкаси 45 фоиздан 22 фоизга туширилди, шунингдек, корхоналар тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қиладиган экология солиғи, реклама солиғи сингари солиқлар бекор қилинди. Мамлакатимизда кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида улар учун солиқ солиш тизими ихчамлаштирилди, рўйхатдан ўтказишдаги ва бошқа турли хил хизматлар учун тўловлар миқдори 10 баробаргача камайтирилди. Солиқ ва бюджетдан ташқари

жамғармаларга ажратмалар унификация қилиниб, саноат корхоналари учун ягона солиқ тўлови 13 фоиздан 7 фоизга туширилди. Кенг қамровли изчил сиёсат натижасида солиқ юки охирги йилларда 40 фоиздан 22 фоизга камайди, аҳоли ва корхоналарнинг инвестицион фаоллиги ошди. Асосий капиталга киритилган инвестициялар таркибида ижобий ўзгаришлар юз бериб, унда корхона ва аҳоли маблағларининг улуши сўнгги 10 йилда 40 фоиздан 53,9 фоизга етди.

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонда кўрсатилишича, 2012 йилнинг 1 январидан саноат соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга камайтирилди [3].

Шу тариқа бугунги кунда Ўзбекистонда кечаётган фаол демократик янгиланишлар, мамлакатни модернизациялаш жараёнлари сиёсий ва иқтисодий ҳаёт, давлат ҳамда жамият қурилишининг барча жабҳаларини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини ошириш орқали фуқаролик жамияти ривожлантирилмоқда. Зеро, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига босқичма-босқич ўтиш давримизнинг асосий хусусиятидир.

Республикамиз олий ўқув юртларида яратилаётган, олимлар томонидан ишлаб чиқилиб, илгари сурилаётган янгича инновацион ғоя ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ҳамда илмий ютуқларни иқтисодиётнинг реал секторига жорий қилиб боришни ҳар жиҳатдан рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этади. Бунда учта сектор ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик, ўз навбатида, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашувини таъминлашга хизмат қилади.

Мамлакатни модернизация қилишда, давлат ва нодавлат секторлари ўртасида ижтимоий шерикликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришда, иқтидорли, юксак интеллектуал қобилиятга эга бўлган, ижтимоий фаол фуқароларнинг роли каттадир. Улар томонидан илгари суриладиган инновацион ғоялар мамлакатимизни модернизация қилишда муҳим роль ўйнайди. Инновацион ғоялар асосан икки йўналишда бўлиб, технологик ва ижтимоий характердаги инновациялардан иборат.

Технологик инновациялар куннинг муҳим талаби бўлиб, технологик жараёнларда амал қилади ва янгича, самарали маҳсулотларни олишга эришишни англатади. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш соҳасидаги инновациялар ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу жараён билан боғлиқ муаммолар алоҳида тадқиқотларни талаб этади.

Ижтимоий соҳадаги инновациялар ижтимоий соҳанинг турли кўринишларида амалга ошириладиган инновацион ўзгаришларни ўз ичига олади. Бизни кўпроқ ана шу жараён қизиқтиради ва сиз, азиз ўқувчиларни мазкур муаммо бўйича баҳс ва мунозарага чорлаймиз.

Мамлакатимизни иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ва маданий (айниқса, таълим соҳасида) жиҳатдан модернизация қилишда олимларнинг ролини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Олимларимиз томонидан олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини янада юқори даражаларга кўтариш, уларнинг амалий самарадорлигини жаҳон илм-фан талаблари даражасига олиб чиқиш ва халқ хўжалигининг барча соҳаларидаги татбиқини таъминлаб бориш орқали модернизациялашув жараёнини муваффақиятли амалга ошириш мумкин.

Ўзбекистоннинг келгусидаги том маънода модернизациялашуви, кўп жиҳатдан унинг ижтимоий-сиёсий муносабатларида амалга ошириладиган инновацион ўзгаришларни ўз ичига олади, бизни кўпроқ ана шу жараён қизиқтиради. Келгусидаги мақоламизда ана шу хусусда фикр юритмоқ истагидамиз.

Адабиётлар:

1. Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.- Т.: Ўзбекистон, 2010.

2. Каримов И. Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар – биз танлаган ислоҳотлар йўлининг тасдиғидир. Т.: Ўзбекистон, 2014

3. "XXI ASR".- 2011.- 25 август.

4. Интернет маълумоти. http://www.politike.ru.

2015 йил 7 январда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Т. Ортиқов)